Ушбу сонда:

2 БУ ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛЛАРИ

3 БАЙРАМ ҚУВОНЧЛАРИ

4 *Дўст ачитиб гапиради* ТАРИХИЙ ОБИДАГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ ВАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 22 август, чоршанба № 130 (1144)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Қашқадарёдаги «Шўртанггазкимё» мажмуи ишчи-хизматчилари энг улуғ, энг азиз байрамимизга муносиб меҳнат совғаси ҳозирлашди. Бу ерда кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Кимёгарларнинг янги шаҳарчаси том маънода уларнинг фахрига айланди. Мажмуа жамоасининг муваффақиятларида моҳир ишчи Икром Қурбоновнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.



Калкуттада эркаклар ўртасида шахмат бўйича Осиё чемпионати ўз ниҳоясига етди. Унда қитъанинг 74 нафар энг кучли шахматчиси ўзаро куч синашди.

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Ҳамюртимиз Сайдали Йўлдошев 11 имкониятдан 8 очко тўплаб, кумуш медалга сазовор бўлди ҳамда жорий йилнинг ноябр ойида бўлиб ўтадиган шахмат бўйича жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди.

Яна бир шахматчимиз Алексей Барсов ҳам жаҳон чемпионатига бериладиган йўлланмани қўлга киритди. У 7,5 очко тўплаб, бешинчи ўринни эгаллади.

(ЎзА).

Ислоҳот - инсон учун

ЙИЛЛАР МАЗМУНИ

Ватанимиз Мустақиллигининг 10 йиллигини юзлаб корхона, ташкилот ва муассасалар меҳнатда қувончли ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Хусусан, пойтахтимизнинг Ҳамза туманида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар фикримиз далилидир.

Туман саноат корхоналарида жорий йилнинг олти ойида 34,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,5 фоизни, халқ истеъмоли моллари тайёрлаш ҳажми эса 101,1 фоизни ташкил этди.

— Ушбу йилда импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи «Фарм Гласс» қўшма корхонаси ишга тушди, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Бахтиёр Мақсудхўжаев. — Ярим йилда 267 миллион сўмлик маҳсулот буюртмачиларга жўнатилди. Бундан ташқари, туманда МДҲ да ягона қувур ишлаб чиқарувчи «Хобас ТАПО» қўшма корхонаси ишга туширилиши иқтисодиётимизни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва хусусийлаштириш соҳасида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. 58 та корхона давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги аҳвол ва бу соҳадаги муаммолар ҳақида алоҳида тўхталган эдилар. Албатта республика иқтисодиётининг тараққиёти кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнесни янада такомиллаштиришга боғлиқ. Шу мақсадда туман тижорат банклари томонидан амалдаги йилнинг биринчи ярмида 2530 миллион сўм кредит ажратилди. Тадбиркорларнинг 9 та кредит лойиҳасини тайёрлаш ва керакли ҳужжатларни тўплашда амалий ёрдам кўрсатилди. Бугунги кунда туманда 1100дан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатаётир.

Байрам арафасида туманда бир қанча маъмурий ва маданий иншоотлар фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда. Слоним кўчасидаги 800 ўринли темир йўл қурилиш коллежи, Оқдарё кўчасидаги 800 ўринли компьютер коллежи, Машҳадий кўчасидаги 300 ўринга мўлжалланган академик лицей, кичик айланма халқа йўли, Қўйлиқ айланма йўлидаги гузар шулар жумласидандир.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш мақсадида А.Назаров номли маҳаллада спорт мажмуи қуриб битказилди. Тарновбоши маҳалласида эса сузиш ҳавзаси ёшлар ихтиёрига топширилди. «Олимпиада умидлари — 2001» беллашувларида тумандаги 204-мактабнинг ўқувчилари қўл тўпи бўйича олтин медал совриндорлари бўлишди. Маҳаллаларда ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини янада жонлантириш мақсадида 9-11, 12-14 ҳамда 15-16 ёшдаги ўсмирлар ўртасида «Футболимиз келажаги» мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Яна бир муҳим масала. Ишсиз юрган ёшларни рўйхатга олиш ва уларни иш билан таъминлаш, қўшимча янги иш ўринларини яратиш мақсадида турли ташкилот, муассаса ва корхоналар билан узвий алоқа йўлга қўйилган. Туман меҳнат бўлими ёшларни ҳунармандчилик ва бошқа соҳаларга жалб қилиш учун корхона ва ташкилотларга экскурсиялар ташкил этмоқда.

Ҳозирги кунда ишсизликнинг олдини олиш мақсадида турли ёшдаги фуқаролар маҳаллалар гузарларида, ташкил этилган тикув цехлари, аудио-теле устахоналари, кимёвий тозалаш шохобчалари, новвойхоналарга ишга жойлаштирилмоқда.

Давур ТУРОН,
«Ишонч» мухбири.

31 август - Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

АВЛОДЛАР УНУТМАЙДИ

Маълумки, Президентимизнинг шу йил 1 майда эълон қилинган Фармонига биноан 31 август куни «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни» деб белгиланди. Шу куни «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида, бутун мамлакатда қатағон қурбонларини ёд этиш маросими бўлиб ўтади.

Фармонда таъкидланганидек, мустабид тузум даврида умри хазон бўлган миллионлаб бегуноҳ инсонлар хотирасини тарих ҳам, бугунги ва келажак авлод ҳам унутмайди. Бу сананинг Мустақиллик байрами арафасида нишонланишининг ўзига хос маъноси бор, албатта. Байрам арафасида истибдод замонида ва шўро тузуми даврида миллатимизга қарши олиб борилган зулм ва зўравонлик туфайли қурбон бўлган бегуноҳ инсонларни ёдга оламиз ва мустақиллик нақадар буюк неъмат эканини юрак-юракдан ҳис этамиз.

Айни пайтда мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлганидек, Самарқандда ҳам қатағон қурбонларини аниқлаш, улар ҳақида маълумотлар тўплаш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Президентимизнинг Фармони асосида тадбирлар дастури ишлаб чиқдик,- дейди «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Исроил Мирзаев. - Шўро замонида қатағон қилинган оддий меҳнаткашлар - деҳқонлару косиб, ҳунармандлардан тортиб, ўқитувчилару зиёлилар, давлат раҳбарларигача барча ватандошларимиз қисматини ўрганиш, уларнинг шахсини, амалга оширган ишларини аниқлаштириш мақсадида маълумотлар тўпланмоқда. Қатағон қурбонлари хотираси музейи учун аҳоли қўлида сақланаётган ҳужжатлар, хотиралар, суратлар ва матбуот материаллари «Шаҳидлар хотираси» жамғармасига йиғилмоқда.

Жомбой, Ургут, Сиёб туманлари ва Каттақўрғон шаҳрида «Хотира - муқаддас», вилоят марказий архиви, Самарқанд давлат университети, шаҳар марказий кутубхонасида «Ўтмишсиз келажак йўқ» мавзуида илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Шундай тадбирлар бошқа туманларда ҳам бўлиб ўтади.

Уйғун РЎЗИЕВ,
ЎзА мухбири.

Чоғроққина хонада бутун бир кичик завод жойлашган. Ихчам чет эл ускуналари гувиллаб ишлаб турибди. Майдаланган тузга ўхшаш оқиш хом-ашёдан пластмасса идишлар ясайдиган капсулалар чиқарилмоқда.

Замонавий ускуналарни компьютер мосламалар ёрдамида икки нафар малакали ишчи бошқараяпти. Бир дақиқа ҳам бехуда сарфланмайди. Қойил қолмай иложинг йўқ. Бу кичик корхона пластмасса идишлари ясаш учун мўлжалланган преформани ишлаб чиқарадиган республикада ягона «Ал-Саид» хусусий фирмасидир.

«АЛ-САИД» МАҲСУЛОТИ

республикада ягона

Давлат мулкини хусусийлаштириш жараёни қизғин тус олган 1995 йилда қаршилик тадбиркор Маҳмуд Сайдалиевнинг ташаббуси билан хусусий корхона ташкил этилди.

— Дастлаб иш унча юришмади, - дейди фирма бошлиғи М.Сайдалиев. — Вилоят хўжаликларидан сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева-чева олиб, Россияга юборар эдик. Ўрнига ёғоч-тахта ва бошқа харидоргир моллар айирбошлаб аҳолига сотиш билан шуғулланардик.

Хуллас, корхонанинг иши Маҳмудни қаноатлантирмади. Ёш, изланувчан йигит чет элга чиқишга қатъий қарор қилди. Яқин-яқингача пластмасса идишларни ясаш учун преформа Тайван, Жанубий Корея ва Белгиядан келтирилар эди. Кунларнинг бирида республика газеталарида преформа ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича тендер танлови хусусидаги эълонни ўқиб қолди.

Тадбиркорлар лойиҳаси республика ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва «Ўзбекинвестлойиҳа» томонидан тасдиқланиб, фирма танловда ғолиб чиқди.

— Ускуналарни ўрнатиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун цех очиш мақсадида «ТВЧ» масъулияти чекланган жамиятдан 2,5 миллион сўмга жой олдик, - дейди фирма бош ҳисобчиси Файзулла Давлатов.

Цех биносини қуриш, ускуналарни сотиб олиш ва ўрнатиш мақсадида республика Миллий банкидан 352 минг евро миқдорида имтиёзли кредит олинди. Франциянинг «Стека» фирмаси билан преформа ишлаб чиқарадиган ускуналар сотиб олиб келтириш ва ўрнатиш, ишлатиш, одамларга иш ўргатиш бўйича тегишли шартнома тузилди. Фирманинг Ўрта Осиёдаги вакили Юрек Дарьюш мутахассислар билан келиб қисқа муддатда ускуналарни ўрнатиб берди.

2000 йилнинг 1 сентябридан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришга киришилди. Ускуналарнинг тўхтовсиз ишлаши учун чет элдан 140 тонна хом-ашё полиэтилентерефтолат келтирилган. Ҳозирги пайтда соатига 1000 та сиғими 1 литргача бўлган идишлар учун преформа ишлаб чиқарилмоқда. Корхона ташкил этилганидан бери 4 миллион 9 минг дона преформа ишлаб чиқарилди. Бу 290 миллион сўмлик маҳсулот демакдир.

Бу буюмлар Қарши, Косон, Бухоро ёғ-экстракция заводлари, Тошкентдаги «Макс-Хуросон» қўшма корхоналари ва бошқа истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Фирманинг иш жараёни кенгайиб бормоқда. Шаҳрисабз шаҳрида бир кеча-кундузда 5 минг шиша маъданли сув ва салқин ичимликлар ишлаб чиқарадиган цех ишга тушди. Сайдали Холиқов раҳбарлик қилаётган бу цехда 20 нафар киши ишлайди. Шифобахш булоқ сувидан тайёрланаётган салқин ичимликлар истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Яқин орада Қарши шаҳридаги марказий универсал магазин ҳузурида қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган цех очилади.

Хусусий фирма фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган муҳим тадбирларни амалга ошираяпти. Натижада 12 нафар ногирон иш билан таъминланди. Қарши шаҳрининг 6-митти туманида 260 минг сўмлик маблағ сарфланиб, тиббий шоҳобча очилди. Барча ҳаражатлар корхона ҳисобидан қопланмоқда.

Айни пайтда елим шишалар учун қопқоқ, термополиэтилен ёрлиқларини ишлаб чиқариш учун қўшимча линиялар ўрнатиш мўлжалланаётир.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

Франциянинг «Дегремен» компанияси Бухоро шаҳри коммунал хўжалигини яхшилаш юзасидан иккита лойиҳани амалга оширa бошлади.

— Дастлабки лойиҳага мувофиқ Бухоро шаҳрининг канализация тармоғи тўлатўкис қайта қурилади, - деди шаҳар ҳокими Карим Камолов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Иккинчи лойиҳа бўйича ичимлик суви билан таъминлаш тизими капитал таъмирдан чиқарилади.

К.Камоловнинг таъкидлашича, лойиҳаларни Жаҳон банки молиялаштиради. Қурилиш ишларини эса Франция ва Испания мамлакатлари мутахассислари билан ҳамкорликда бухоролик қурувчилар амалга оширади.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ЙЎЛОВЧИЛАР ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 4 июл сонида «Соғлом рақобат яратилса...» сарлавҳали мақола «Тошкент-Термиз» йўналишидаги катта ўзбек трактининг «Пахтаобод» бекатидан Ш.Рашидов туман марказигача бўлган ҳудудда йўловчилар доим гавжумлигига қарамасдан, автобус юрмаслиги, ноқонуний йўл билан ҳаракат қилаётган киракашлар эса қиммат йўлкира олаётганликлари ва бошқа камчиликларни бартараф этишга қаратилган эди.

Қуйида газетанинг ана шу чиқиши юзасидан таҳририятимизга келган жавоб хати билан танишасиз:

— Ҳокимлик мақолада кўтарилган масалаларни «Сирдарёавтотранс» автомобилда юк ва йўловчи ташиш уюшмаси масъул ходимлари иштирокида атрофлича таҳлил этиб, уларни тўғри деб топди.

Ҳозирги кунда мақолада кўрсатилганидек, «Пахтаобод» бекатидан Ш.Рашидов тумани марказигача бўлган йўналишда автобус қатнови йўлга қўйилди. Унинг ҳаракатланиш пайти эрталаб соат 7.00 дан кеч соат 18.00 гача этиб белгиланди.

Б.ТЎРАБЕКОВ,
Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари.

OLAMDA

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Норвегияга сафари чоғида Яқин Шарқ масаласига тўхталиб, минтақадаги аҳвол ғоят мураккаб экани ва уни имкон қадар тезроқ барқарорлаштириш кераклигини таъкидлади. Унинг фикрича, аҳвол шундай давом этаверса, можаро бошқа ҳудудларга ҳам тарқалиши мумкин.



* * *

Исроил бош вазири Ариэл Шарон халқаро ҳамжамиятни Фаластиндаги ФАТҲ ҳаракатининг Ёсир Арафотга бўйсунувчи «Куч-17» гуруҳини террорчилик ташкилоти деб эълон қилишга даъват этмоқда. Шунингдек, унинг фикрича, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида ҳаракат қилаётган «Танзим» гуруҳини ҳам шундай атамоқ жоиз.

* * *

Афғонистоннинг Ғўр вилоятида Шимолий алянс жангчилари «Толибон» ҳаракатининг Ҳирот вилоятидаги хавфсизлик хизмати раҳбари Мулла Мусони асир олди. Хабарларга кўра, Мулла Мусо Сагар туманига кетаётиб, йўлда Шимолий алянс аскарлари пистирмасига дуч келган.

* * *

Товушдан тез учувчи «Конкорд» йўловчи самолётининг парвозлари сентябрга қадар яна тикланиши мумкин. Айни чоғда Франция ва Буюк Британия фуқаро авиацияси хизматлари «Конкорд» учун август охирида парвозга рухсат берадиган лицензия олиш масаласини кўриб чиқмоқда.

Мазкур русумли самолётлар ўтган йили бир «Конкорд» Париж шаҳри яқинида ҳалокатга учраб, 113 киши қурбон бўлгандан сўнг, учиш лицензиясидан маҳрум бўлганди.

* * *

Японияниng жанубий-ғарбига даҳшатли «Побук» довули ёпирилди. У туфайли транспорт тизими ишдан чиқди. Довул соатига 12 километр тезликда мамлакат марказига яқинлашиб келаяпти. Ҳозир олтмишга яқин ички авиайўналишлар ёпилган, поездлар қатнови тўхтатилган. Шунингдек, Токио ва Осака шаҳарлари билан Кюсю ва Сикоку ороллари ўртасида қатновчи кемалар ҳам вақтинча қирғоққа қантариб қўйилди.

(ЎзА).

NIMA GAP

БУ ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛЛАРИ

САДОҚАТ РАМЗИ

Йўл ва кўприк қуриш, одамлар узоғини яқин қилиш улуғ иш. Аммо шўролар даврида бу соҳага унчалик эътибор берилмади. Оқибатда йўлларимиз жаҳон андозалари талаблари даражасидан орқада қолиб кетди. Фақат республикамиз мустақилликка эришгандан сўнггина йўлларни қайта таъмирлаш, янгиларини қуриш, уларни сақлашга эътибор кучайтирилди. Биргина Қамчиқ довонида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Тошкент шаҳрида кўплаб янги, замонавий кўприклар қурилиб, йўллар кенгайтирилди. Юртбошимизнинг пойтахтдаги Гавҳар ва Ал-Хоразмий кўчаларини боғлаб турувчи кўприкнинг очилиш маросимида маҳаллий йўлларни замон талабларига мослаштириш ишларининг кўлами бундан кейин янада кенгаяди, дея таъкидлаганлари катта ишлардан дарак берганди.

Айниқса, мамлакатимизнинг узоқ ҳудудларида бу юмуш анча жонлангани қувонарлидир. Хусусан, истиқлол йилларида Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб юзлаб километр йўллар қайта таъмирланди. Улар жаҳон андозалари талабларига яқинлаштирилди. Бу юмуш «Қорақалпоқавтойўл» давлат акционерлик бирлашмаси ишчи-хизматчиларининг фидойи меҳнати эвазига амалга оширилди.

— Ишчи ва хизматчиларимиз ҳаммаси бўлиб 4389 километр умумфойдаланувдаги йўлларга хизмат кўрсатадилар, — дейди бирлашма раиси Жалғас Жўлдасов. — Шундан 254 километри халқаро, 2346 километри давлат, 780 километри республика, 1009 километри маҳаллий аҳамиятга эга йўллардир.

Биз, йўлсозларнинг иши бошқа соҳаларга қараганда анча мураккабдир. Айниқса, ёз шароитида ҳаво ҳарорати 40 даражадан ошганда, устига-устак «ёнай» деб турган асфальт ҳовурида кун бўйи ишлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун фақат фидойилик керак. Айтиш мумкинки, бу фидойиликни амалда исботлаётган ишчи-ходимларимиз ўзларига юклатилган вазифаларни шараф билан адо этиб келмоқда. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун мисоллар келтирсак.

Шу йилнинг олти ойи ичида 1038 километр йўл қайта ва тўла таъмирланди. Режада эса 563,5 километр эди. 426 километр йўлларга битум билан сиртқи ишлов берилди ва ҳоказо. Ана шуларнинг ҳаммасига жами 551 миллион 450 минг сўм сарфланди. Ўтган муддат ичида муҳандислик иншоотларига ҳам эътибор қаратилди. Масалан, йўлларга 578 ўрнига 1008 та етишмайдиган белгилар қўйилди. 700 ўрнига 1586 та эскирган йўл белгилари алмаштирилди. 51 километрдан зиёд пиёдалар йўлкаси қурилди ва таъмирланди. 91 та автобус бекати замонавийлаштирилди. 47 та йўллар туташган жойлар атрофи ободонлаштирилди. Бу ва бошқа юмушларга 71 миллион сўмликка яқин маблағ йўналтирилди.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

«АНДИЖОН – ТОШКЕНТ – НУКУС – ҚЎНҒИРОТ» автомагистрали қурилишида

1999 йил август ойида Вазирлар Маҳкамасининг автотранспорт воситаларининг катта тизимидаги ҳаракатини таъминловчи «Андижон-Тошкент-Нукус-Қўнғирот» автомагистрали қурилишини лойиҳалаш тўғрисидаги қарори чиқди. Бу ҳужжатнинг қанчалик муҳимлигини тасаввур этиш учун бир неча мисоллар келтириш ўринлидир. Унинг умумий узунлиги 2294 километр бўлиб, биринчи тоифали автомагистрал ҳисобланади. Шундан асосий трасса — 1492 километр. Бундан ташқари йўл ёқасида қанчадан-қанча сервис хизматлари ва автокемпинглар қурилиши мўлжалланган.

Ҳукуматимиз томонидан қўйилган бу юксак вазифани жаҳон андозалари талаблари даражасида бажариш барчадан юксак билим, қатъий интизом ва тажрибани талаб этади. Буни яхши тушунган мамлакатимиз барча йўл-лойиҳа институтлари мутахассислари Тошкент шаҳрига йиғилишди. Улар Чехиянинг «Прагопроект»и томонидан ишлаб чиқилган, техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган бир нечта лойиҳа билан таништирилди ва энг яхшиси танлаб олинди. Натижада Европа-Азия трансконтинентал автомагистрали Консорциуми тузилди. Унга барча йўл-лойиҳа институтлари аъзо бўлиб кирди.

Ўтган йилнинг май ойида «Ўзавтойўл» концернининг автотранспорт воситаларининг катта тезликдаги ҳаракатини таъминловчи «Андижон-Тошкент-Нукус-Қўнғирот» автомагистрали қурилишини техник-иқтисодий асослаш лойиҳасини ноябр ойигача ишлаб чиқиш бўйича буйруғи чиқди. Амалда эса бу иш бир ой олдин тугалланганди. Лойиҳа «Прагопроект» мутахассислари томонидан кўриб чиқилиб, яхши баҳоланди.

Шундай қилиб, ўзбек миллий автомагистралининг энг ишончли ва самарали тизимини яратишга асос бўлиб қоладиган, мамлакат ҳаёти учун ниҳоятда муҳим йўлнинг асосий лойиҳаси ишлаб чиқилди. Уни ҳаётга татбиқ этиш учун Қорақалпоғистон Республикасида тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Хусусан, йўлнинг асосини бошлаш учун минглаб тонна хомашё омборларга туширилмоқда. Бунда бирлашмага қарашли Беруний, Нукус, Қўнғирот туманлари йўл бошқармалари ишчилари хизматлари катта бўлмоқда. Улар кунни-кун, тунни-тун демай, фидойилик кўрсатиб ишлашмоқда. Бу тушунарли, албатта. Чунки агарда йўл ишга тушса, биз биринчидан, жаҳон андозалари талаблари даражасидаги автомагистралга эга бўламиз. Иккинчидан, йўл четларига кўплаб автосервис, ошхона, автокемпинг ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари қурилади. Бунинг натижасида мамлакатимизда валюта тушуми кўпаяди. Минглаб янги иш ўринлари яратилади. Бу юмушнинг тез ва соз амалга ошишида «Ўзавтойўл» концернининг ҳам ҳиссаси катта бўлаётир. Шу кунгача концерн қорақалпоғистонлик йўлсозларга 8 та яшаш вагончаси, 8 та автогрейдер ва бошқа техникалар жўнатди.



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ АМАЛДА

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам талайгина ишлар қилинди. Жумладан, бирлашмада меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 210 нафар фарзанди республикамизнинг хушманзара жойларидаги оромгоҳларда дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтди. Қарорда кўрсатилганидек, йўлланмалар қийматининг 50 фоизи Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маблағлари ҳисобидан қопланди. Қолган қисмини бирлашма ўз зиммасига олди. Шунинг билан бир қаторда болаларнинг дам олиш масканларига бориб-келиши ҳам бепул ташкил этилди. Бу ижтимоий ҳимоянинг ёрқин кўриниши бўлди, дейишмоқда ота-оналар.

— Мени кўпдан бери кам қонлик касаллиги безовта қилар эди, — дейди Тахтакўпир туман автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси ишчиси Қарлиғаш Бекназарова. — Бирлашма касаба уюшма қўмитаси Тошкент шаҳрида жойлашган «Турон» санаторийсига бепул йўлланма ажратди. Сиҳатгоҳ шифокорлари эса мени ширин сўз билан кутиб олишди. Бу ерда кўнгилдагидек дам олиб, даволаниб, меҳнат қучоғига қайтдим.

Қўнғирот туман автомобил йўллардан фойдаланиш бошқармаси ҳисобчиси Улбасин Алламбоева ҳам маъмурият ва касаба уюшмаси инсон омилига алоҳида эътибор бераётганини таъкидлади. Унинг айтишича, илгари асаб, камқонлик, ошқозон хасталиклари билан оғриган. Шифокорларнинг хулосаларига асосланиб унга Тошкент вилоятидаги «Ботаника» сиҳатгоҳига бепул йўлланма ажратилди. Натижада У.Алламбоева уйига дарддан фориғ бўлиб қайтди.

Умуман, бирлашмада ходимларнинг дам олиши ва соғлиқларини тиклашларига катта аҳамият берилмоқда. Мисол учун ўтган муддат ичида ишчи-хизматчи аёллардан 9 нафари Тошкент шаҳри ва вилоятидаги сиҳатгоҳларда даволанишди. Барча ходимлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ўтган муддат ичида жамоада янги иш ўринлари яратишда ҳам сезиларли силжишлар бўлди. Масалан, бирлашмада йил бошида 2699 нафар киши ишлаган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 4462 нафарга етказилди.

ИШЧИЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР

Бирлашмада шу йилнинг ўзида 20 дан зиёд оила уйли бўлишди. Бу борада айниқса, Тахтакўпир туманида қилинаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Туман автомобил йўллардан фойдаланиш бошқармасининг саъй-ҳаракати билан бу ерда ҳар бири 8 сотих томорқаси билан 2 қаватли коттежлар қурилди. Натижада бошқарма ишчиларидан Бибназ Раҳматуллаева, Қуттибой Назарбоев, Эсенгелди Арзимбетов, Динмуҳаммад Молдабоевлар оиласи ҳар томонлама қулай уйларга кўчиб киришди.

Шу йилнинг июл ойида эса Нукус шаҳрида яна бир нечта турар-жой бинолари қад кўтарди. Йўлсозлар шаҳарчасида фойдаланишга топширилган мазкур бинолар ҳам 2 қаватли бўлиб, 5 хонадан иборат. Ҳар бир уйнинг 8 сотих томорқа ери ҳам бор. Яқинда мазкур коттежларда бирлашманинг 18 нафар ишчи оиласи навбатма-навбат ҳовли тўйларини ўтказишди.



МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Бирлашмада ишчи-хизматчилар меҳнатига яраша рағбат топмоқда. Масалан, ўтган ярим йилда 1 миллиард 122 миллион сўмликка яқин иш бажарилди. Шундан 188 миллион сўмдан зиёди ходимларга иш ҳақи сифатида берилди. Бунга мукофот, ўн учинчи ойлик, моддий ёрдам, овқат пуллари ва бошқа тўловлар қўшиб ҳисобланса, бу кўрсаткич 220 миллион 805,7 минг сўмни ташкил этади. Пудрат фаолияти бўйича эса 81 миллион сўмликка яқин иш бажарилиб, 5 миллион 982 минг сўм фойда олинди.

Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси каби юмушлар маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг доимий эътиборида. Йўлсозлар меҳнат таътилига чиққанида камида 1 ойлик маош миқдорида ёрдам пули оладилар. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида бу мақсадга 6 миллион сўмликка яқин маблағ сарфланди. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишчиларни махсус кийим-кечак ва иссиқ овқат билан таъминлаш учун 1,5 миллион сўм пул ажратилди. Зарарли жойларда меҳнат қилаётганлар мунтазам равишда сут-қатиқ билан таъминланмоқда.

Ҳар бир байрамни жамоа аъзолари билан нишонлаш, тадбирлар ўтказиб, уларга бир пиёла чой бериш, касалларни йўқлаш, кам таъминланган оилаларга ёрдам қўлини чўзиш нақадар савобли иш. Бирлашмада бу борада анча ишлар қилинди. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси жамоа ҳаётидаги қувончли кунларни тантанали равишда нишонлайди. Яқинда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Қаровчиси йўқ, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олинди. Бу тадбирлар учун 441 минг сўм маблағ сарфланди.

Айни чоғда жамоада мустақиллигимизнинг 10 йиллиги байрамига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Бу улуғ айёмни муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ишчи ва хизматчилар астойдил меҳнат қилишмоқда.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» махсус мухбири.

Суратларда: бирлашма йўлсозлари фаолиятидан лавҳалар.



ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Соҳа ходимларини энг улуғ айём — мустақиллигимизнинг 10 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади.

Жондан азиз Ватанимиз — ҳур Ўзбекистонни гуллаб яшнатиш йўлидаги ишларингиз ҳамиша барокидан келсин.

Болалар — бизнинг келажагимиз

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТАБАНК»

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан 2001 йилнинг 1 июнидан эътиборан, 14 ёшгача бўлган болаларга атаб очилиб, 5 йил давомида амал қиладиган, янги **«Болалар келажагимиз»** *жамғарма омонатига пул маблағларини жалб этишни давом эттира бошлади.*

Ушбу омонатнинг миқдори ва қўйиш муддатига мутаносиб равишда йиллик 38 дан 50 фоизга қадар даромад тўланади.

Сиз омонатга пулингизни «Пахтабанк»нинг исталган бўлимида қўйишингиз ҳамда улар бўйича ҳар 3 ойда фоизли даромадларни олиб боришингиз мумкин.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ ЁРУҒ ВА ФАРОВОН БЎЛСИН!

Тел: 173-25-56, 78-10-32

Бағишлов

КЕЛАЖАҒИ БУЮК ЎЗБЕКИСТОНСАН

Истиқлол, ўн ёшинг муборак бўлсин,
Меъмору наққошинг муборак бўлсин,
Юртим, шаън қуёшинг муборак бўлсин,
Минг йиллик бардошинг муборак бўлсин,
Ўн йил нур ёғилган қутлуғ маконсан,
Нур билан битилган Ўзбекистонсан.

Ортда қолди асрий зулм, истибдод,
Тўмарис, Широқлар руҳи барҳаёт,
Сени кўрмак учун мустақил озод
Не-не буюк зотлар жон берди, ҳайҳот!
Озодлик йўлида тўкилган қонсан,
Жон билан битилган Ўзбекистонсан.

Сарҳадларинг сари кезинар омон,
Олтин тўла дўппи кўтарган ўғлон,
Сенингдир Алпомиш, Ғўрўғли султон,
Жалолиддин, Малик, Бобур, Шоҳжаҳон,
Амир Темур, элга шарафсан, шонсан,
Шон билан битилган Ўзбекистонсан.

Оллоҳ қалбимизда, дилимизда жо,
Ҳадис илмин биздан ўрганар дунё,
Бухорий, Мотурудий, Нақшбанд, Кубро,
Макон этмиш яна қанчалар даҳо,
Юрт севмак иймондан, юртим, иймонсан,
Иймон-ла битилган Ўзбекистонсан.

Алжабрга асос солдинг муқаддам,
Ҳар битта гиёҳдан яратдинг малҳам,
Сен кашф айлагансан Амриқони ҳам,
Улуғбек пойида юлдузли осмон,
Сен билим манбаи, илму урфонсан,
Илм ила битилган Ўзбекистонсан.

«Қутадғу билиг»инг ганжи бебаҳо,
Навоий, Лутфийга кўнгуллар шайдо,
Нодира, Увайсий, ҳам Зебунисо
Шеърият кўкида учта сурайё,
Огаҳий, Муқимий, Машраб, Чўлпонсан,
Шеър ила битилган Ўзбекистонсан.

Бунда келажакни завқ-ла кутарлар,
Бунда турналар ҳам пастлаб ўтарлар,
Бунда сув сўрангиз меҳрин тутарлар,
Ўз дардин ўзгани деб, унутарлар,
Фазилатларга бой ажиб бўстонсан,
Меҳр ила битилган Ўзбекистонсан.

Ўзбегимнинг фазли бағрикенгликдир.
Суйгани — адолат, мардлик, тенгликдир,
Қизлари ҳаёли, қирмиз энгликдир,
Юзлари ой мисол, қора менгликдир,
Юртим гул маскани гул-гулистонсан,
Гул билан битилган Ўзбекистонсан.

Атлас таърифига ожиздир қалам,
Дунёда паловдек таом камдан-кам,
«Шашмақом» қатида қанча мунг, алам,
«Муножот»ни тинглаб инграйди олам,
Мулла Тўйчи, Комил, Маъмур хушхонсан,
Куй билан битилган Ўзбекистонсан.

Олий анжуманлар сенсиз ўтмагай,
Нилий гумбазларинг сири кетмагай,
Сувратингни Беҳзод чизар, битмагай,
Камалакнинг минг бир ранги етмагай,
Беқиёс ўлкасан, жаннатмаконсан,
Камалак мисоли Ўзбекистонсан.

Ипак йўлларида ястанган диёр,
Қадаминг залворли, бастинг улуғвор,
Нурли манзилларга йўл олдинг такрор,
Тилагим, йўлингда Оллоҳ бўлсин ёр,
Буюк келажакка талпинган жонсан,
Келажаги буюк Ўзбекистонсан.

Мирза ҚАЙНАРОВ.
Сирдарё вилояти.

Нукусдаги "Билим" нашриёти 25 номдаги янги дарсликларни нашр этди. Вахоланки, нашриёт янги ўқув йили бошлангунча, 56 номдаги дарсликларни тайёрлаши лозим эди.

МУАММО ЕЧИМИНИ КУТАДИ

— Аввало муаллифлар яхши ишламади, — деди нашриёт бош муҳаррири Рашид Аббосов "Туркистон-пресс" мухбирига. – Шу боис бугунгача 16 номдаги дарсликларнинг қўлёзмалари бизга топширилмади. Иккинчидан, китобларни сотиш масаласи ҳам муаммо. Ўтган ўқув йилида 21 миллион сўмлик дарсликлар сотилмай қолиб кетди. Бунда мактабларни оталиққа олган ҳомий ташкилотларнинг ҳам айби бор. Ҳозир камчиликларни тегишли ташкилотлар раҳбарлари билан таҳлил этаяпмиз. Ўйлайманки, муаммолар ечимини топади.

Пири бадавлатларимиз

100 ЁШЛИ ТОЖИҲОЛ МОМО: "ҲАЁТДАН ЗАВҚЛАНИБ ЯШАНГ"

Уймовут қишлоғи Челак тумани марказидан олис эмас. Унинг тарихи бир неча асрларга туташади. Одамлари дилкаш, меҳнаткаш. Азал-азалдан деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишади. Пешона тери билан турли маҳсулот, ноз-неъматлар етиштириб, юрт фаровонлигига баҳоли-қудрат ҳисса қўшиб келишади. Ўз турмушларидан эса асло нолишмайди.

Ана шу қишлоқда ёши юздан ошган Тожихол момо Эшонқулова яшайди. Момода ўзбек аёлининг эзгу фазилатлари мужассам, десак янглишмаймиз.

Тақдир ҳукми гоҳо жудаям бешафқат бўлади. Йўргакдаги гўдакнинг ота-онасиз қолишидан-да оғирроқ жудолик бўлмаса керак бу оламда. Тожихол момо ҳаётининг илк онларидаёқ ана шундай қисматга дуч келди. Тоғаларининг эшигида улғайди.

Момонинг умр йўлларида кўпникига ўхшаш жиҳатлар йўқ. Аммо уқиб олишга арзигулик маъно-мазмун бор. Чунки Тожихол момо ҳам ҳалол меҳнати билан ёшларга ибрат бўладиган, хуш хулқли фарзандларни тарбиялаб вояга етказган инсонлардан биридир.

— Одамзод ҳамиша умид билан яшайди. Ана шу умид меҳнат қилишга қувват, яшашга иштиёқ беради, — дейди момо. - Мен эсимни таниб, бўй етиб қолган йилларимда дунёда катта уруш бўлаяпти (I жаҳон уруши) деб эшитардик. Кейин йигитларни совуқ юртларга мардикорликка олиб кетишди. Кейин инқилоб бўлди, деган гаплар чиқди. Замон ўзгариб кетди. Одамларнинг елкасига офтоб тегар деб ўйловдик. Аксинча, катта бойларни-ку айтмай қўяқолай хатто меҳнати эвазига ўзига тўқ яшаётган ўртаҳол якка хўжаликларни ҳам «қулоқ» қилиб юборишди. Сўнг элимизнинг бошига очарчилик, немислар билан бўлган урушнинг азоблари тушди. Ана шу йилларда кетмонлаб Пой ариғини қаздик, даштда буғдой ўрардик, пахта етиштирардик. Тонг бўзармасдан иш жойида бўлишимиз шарт эди. Қуёш уфққа бош қўйганда дам олишга рухсат тегарди. Рўзғор ташвишларини ҳам эплардик. Қисқаси, одамлар ҳадеганда рўшнолик кўрмади. Шунинг учун, болаларим, юртимиз мустақиллигининг қадрига етинглар, дейман доим.

Момо билан анча суҳбатлашдик. Кўнглимизга нур энгандек бўлди. Умуман, момо тақдиридан мамнун. Туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари, қишлоқ аҳли, қўшнилар Тожихол аяни йўқлаб туришади.

Тожихол момога бардамлик, узоқ умр тилаб қайтар чоғимизда бир нарсага қизиқдик ва бир мулоҳаза билдирмоқ истаги туғилди. Челак туманида ҳозир беш нафаргина юз ёшдан ошган кишилар яшайди. Уларнинг исми-шарифи, манзили маълум: Болчучук момо Обилова, Анор момо Муртазоева, Эсонгул момо Шакарова, Босарой момо Избосова, Тожихол момо Эшонқулова. Уларнинг суҳбати, дуоси ҳаммамизга ғанимат. Улар дуосига ҳар доим талпинайлик. Бу ўзини ҳурмат қилган кишилар учун дунёдаги энг катта савоблардан биридир.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма тадбири

«АЛ-ХОРАЗМИЙ»ДА ХОТИРА ТУРНИРИ

Шундай инсонлар борки, улар мудом ўзгалар ташвиши, ўй-хаёллари билан яшайди, умр мазмунини атрофдагиларга яхшилик қилишда деб билади. Яқинда пурвиқор Чимён тоғлари бағрида жойлашган «Ал-Хоразмий» номли болалар оромгоҳида бўлиб ўтган «Пахтакор-79» анъанавий хотира турнирида ана шундай инсонларни учратдик. Мусобақанинг қайси иштирокчисидан сўраманг, оромгоҳ раҳбари Йўлчивой акани «ўз ишининг устаси, меҳрибон, оққўнгил киши» дея таърифлашади. Айтганча, Йўлчивой ака спорт, айниқса, футбол деса томдан ташлайдиганлар хилидан. Шу боис бўлса керак, у киши раҳбарлик қилаётган оромгоҳда ёзги мавсумда турли спорт турлари бўйича кўплаб мусобақалар ташкил этилди. Оромгоҳлар ўртасида ўтказилган спартакиада баҳсларида эса «Ал-Хоразмий» биринчи ўринга сазовор бўлди.

Яна бир ажойиб инсон — мусобақа бош ҳаками, Тошкент шаҳар Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма қўмитаси маданият ва спорт бўлими бошлиғи Владимир Мартиновдир. Талабчан, қатъиятли ва меҳнатсевар бу инсон айни пайтда кўплаб хайрли режалар билан яшамоқда.

Дарвоқе, турнир тўғрисида. Тўртинчи бор ўтказилган, қизғин курашлар остида ўтган турнирнинг ярим финал баҳсларида «Амир Темур» ва МҲСК ҳамда «Ал-Хоразмий» ва «Металлург» жамоалари ўзаро куч синашдилар. «Ал-Хоразмий» ва МҲСК жамоалари ўртасидаги финал беллашувида эса омад мезбонларга кулиб боқди.

Акмал АБДИЕВ.

Дўст ачитиб гапиради

Хоразмда Қалажиқ қалъасини билмайдиган, у ерни зиёрат қилиб, шифобахш кўлида чўмилмаган одам кам топилади. Қалажиқ Хива билан Хазорасп қалъаси ўртасида, Қорақум саҳросида жойлашган. Буюк ипак йўли худди шу манзилдан ўтган бўлиб, карвонлар қалъада ҳордиқ чиқариш учун тўхтаган.

ТАРИХИЙ ОБИДАГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Қалажиқ Кушонлар даврининг тарихий обидаси ҳисобланиб, эрамиздан олдинги III-II асрда қурилган, деб тахмин қилинади. Академик Яҳё Ғуломов ўзининг илмий текширишларига асосланиб, шундай хулосага келган: бу ерда иккита катта ва кичик қалъалар бўлган. Катта қалъа Амударё сувининг тошиши оқибатида йўқ бўлиб кетган. Кичик қалъа Қалажиқ сақланиб қолган. Қалажиқ атамаси ҳам аслида кичик қалъа маъносини билдиради.

Қалъа, афсуски, шўро замонида қаровсизликдан харобага айланди. У 1990 йилга келибгина давлат муҳофазасига олинди, тарихий обида мақомини олди. Айни ёзнинг жазирама кунлари бу ердан кеча-ю, кундуз одам аримайди. Зиёратчилар ва сиҳат истаб келувчилар учун муваққат ошхоналар, чодирли уйлар, баҳоли-қудрат соясалқин жойлар хизмат қилаётир. Қалъа тагидаги кўлнинг турли хил тузларга тўйинган эритмаси бод, тери, умуртқа ва суяк оралиқларига туз тўпланиши ва бошқа қатор касалликларга даво эканлигини замонавий тиббиёт ҳам эътироф этади. Буни тузли кўлга чўмилган одамларнинг ўзлари ҳам дарҳол ҳис қиладилар. Маҳаллий аҳоли бу қалъани муқаддас, деб билиши балки шундандир.

Шу боиски, бу зиёратгоҳда Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро, Самарқанд вилоятларидан, қўшни Туркманистон Республикасидан келган кўплаб зиёратчилар ва сиҳат истовчиларни учратасиз.

Қалажиқ зиёратгоҳи, сиҳатгоҳи ва тарихий обидасига 1990 йилдан буён Боғот тумани машина-трактор саройи ҳиссадорлик жамияти муассислик қилмоқда. Қорақум саҳроси орасида тасмадек равон йўл қурилган, электр токи келтирилган бўлиб, бозорча ва хусусий дўконлар фаолият кўрсатмоқда.

— Умуртқамда туз тўпланган туфайли ўтириб туришим қийин бўлиб қолганди. Наф изламаб уч йилдан буён Қалажиқ кўлига келиб, чўмилиб кетаман. Ҳозир анча тузукман, — дейди гурланлик фермер Тўли Раҳимов.

Тўли акадек кўл сувидан шифо топиб кетаётганларни санаб, адоғига етолмайсиз. Лекин бу ердаги шароитдан нолиб, афсусланиб гапираётганлар ҳам йўқ эмас.

— Қалажиқ кўли атрофидаги саксовуллар, бута ва ўтлар йўқ бўлиб кетаётир. Сабаби зиёратгоҳга табиий газ келтирилмаган. Қанчалик назорат ишларини кучайтирмайлик, барибир одамлар овқат пишириш учун саксовулларни яксон қилмоқда, — дейди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари М.Шерматов. — Урганчлик педагог Р.Ёқубовни эса бошқа бир муаммо ташвишга солмоқда.

— Зиёратгоҳга ичимлик суви келтирилмаганлигидан тадбиркорлар юк машиналарида турли хил идишларда дуч келган жойдан сув олиб келишади ва катта қозонларда сақлашади, бу инсон саломатлигига сира тўғри келмайди, - дейди у.

— Шунчалар одам тўпланган жойда заруратхона бўлмаса қизиқ экан. Бир пайтлари қурилганларини ғиштларигача қўпориб кетишган, – дейди Янгибозор тумани «Боғолон» қишлоғидан келган Гулиммат Нурматов.

Муқаддас қалъа ва унинг шифобахш кўли атрофини кўздан кечириб, дам олувчиларнинг эътирозлари ўринли эканлигининг шоҳиди бўлдик. Қалъанинг бирор ерида унинг давлат муҳофазасига олингани ҳақидаги ёзув йўқ. Бир пайтлари аҳолини душманлардан ҳимоя қилган қалъа ичига 30-йилларда Хоразмнинг ватанпарварлари зиёли, тадбиркорларга "қулоқ" деган сохта айблар қўйилиб, қатл қилинган. Бегуноҳ қатағонларнинг суяклари яқинда ўлкашунос педагоглар томонидан аниқланиб, керакли жойга кўчирилди. Шундай муқаддас жой, тарихий обида чиқиндихонага айланиб ётибди. Қалъа атрофи турли хил чиқиндиларга тўлиб кетган. Сайёҳлар дам оладиган очиқ айвонлар олдида катта-кичик машиналар. Улардан чиққан чанг ва тутун дам олувчиларнинг дилини хира қилади.

Бу ерга ёзнинг жазирама кунлари бир кеча-кундузда мингдан ортиқ одам сиҳат истаб келади. Улардан ҳиссадорлик жамияти хазинасига мўмай даромад келиб тургани аниқ. Шунга қарамай, муқаддас қадамжо, тарихий обида, сиҳатгоҳ ташландиқ аҳволда қолиб кетаётгани ачинарли ҳолдир.

Боғот тумани санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори М.Жабборов, манзилгоҳ эгаси машина-трактор саройи ҳиссадорлик жамияти раиси М.Саидовлар қачонгача бу ишларга эътиборсизлик билан қарашаркин?

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Эътироф

МУСАВВИРЛАР ҚУРАЁТГАН КЎПРИК

Ўзбекистон Бадиий академияси ва «Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон» компанияси ташаббуси билан Тошкентдаги менежмент ва иннovация марказида Ватанимиз Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган қўшма ижодий кўргазма очилди.

Ўзбекистонлик ва америкалик рассомлар илк бор ажойиб лойиҳани амалга оширишга киришди. Бу лойиҳа «Ўзбекистон ва АҚШ: рассомлар қураётган кўприк» деб аталади.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган америкалик рассомлар -Ричард Дана, Ҳелга Томсон, Женифер Фристоун, Дэвид Карлсон икки ҳафта мобайнида Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бўлиб, тарихий обидалар, халқимизнинг истиқлол йилларида амалга ошираётган бунёдкорлик ишларига бағишланган қизиқарли асарлар яратди. Ўзбекистондагина эмас, балки чет элларда ҳам ижоди яхши таниш бўлган ҳамкасблари Акмал Нуриддинов, Алишер Алиқулов, Ғофур Қодиров, Вячеслав Усеинов, Мухтор Эсоновлар билан ижодий мулоқотда бўлиб, тажриба алмашди.

Ташкил этилган қўшма кўргазма ҳам ана шу ҳамкорлик маҳсулидир. Унда қирққа яқин рангтасвир ва графика асарлари намойиш этилмоқда. Айни пайтда ўзбекистонлик ва америкалик рассомлар биргаликда яратган катта полотно тасвирий санъат мухлислари учун ҳақиқий совға бўлди. Унда мўйқалам усталарининг юртимиз ҳақидаги таассуротлари, дунёқараши, теран туйғу ва кечинмалари ўз ифодасини топган.

Кўргазма очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев, «ЎзБАТ» Бош директори Рене Айзелстейн, рассомлар Алишер Алиқулов, Ричард Дана сўзга чиқиб, мазкур тадбир икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Танлов

Андижон вилоятида мустақилликнинг 10 йиллиги ҳамда Оналар ва болалар йилига бағишланган йилнинг энг яхши ўрта таълим мактаби анъанавий танлови бўлиб ўтди. Унда шаҳарлар ва туманлар турларида ғолиб чиққан 19 та мактаб иштирок этди.

ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ

Танловдан кўзланган мақсад — энг яхши педагогик жамоаларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва татбиқ этишдан иборат. Мактаблар фаолияти Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган вазифаларни бажариш, мактабларнинг моддий-техника таъминоти, ўқув жараёни, янги педагогик технологияларни жорий қилиш, мактаб олимпиадаларида иштирок этиш, битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириши ва бошқа кўплаб кўрсаткичлар бўйича баҳоланди.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, биринчи ўрин Қўрғонтепа туманидаги 27-сонли мактабга берилди.

Ғолиб мактаб танловнинг республика босқичида Андижон вилояти шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(ЎзА).

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.
ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.10
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Буюртма Г— 2624. 1 2 3 4 5 6